ПАРТИЯ ВА ХАЛҚ БИРДАМЛИГИНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 258 (17.838). ● 8 ноябрь 1980 йил, шанба ● Баҳоси 2 тийин.

БЕПОЁН ВАТАНИМИЗ ХАЛҚЛАРИ ВА ПРОГРЕССИВ ИНСОНИЯТ АСРИМИЗНИНГ БУЮК ВОҚЕАСИ — УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 63 ЙИЛЛИГИНИ ЗЎР ТАНТАНА БИЛАН НИШОНЛАДИЛАР. МАМЛАКАТИМИЗДА ШОНЛИ ОКТЯБРЬ ТАНТАНАЛАРИ ПАРТИЯ ВА ХАЛҚНИНГ МУСТАҲКАМ БИРЛИГИ, СОВЕТ КИШИЛАРИ ҚАРДОШЛАРЧА ДЎСТЛИГИНИНГ УЛКАН БАЙРАМИГА АЙЛАНДИ. СОВЕТ КИШИЛАРИ ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАБ, КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ УЧУН ИНТИЛАЁТГАНЛИКЛАРИНИ ЯНА БИР БОР НАМОЙИШ ҚИЛДИЛАР.



МОСКВА, 1980 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ. ҚИЗИЛ МАЙДОН. Улуғ Октябрь социалистик революцияси 63 йиллигининг байрам қилиниши. В. И. Ленин Мавзолейи минбарида. ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

ОКТЯБРЬ ЙЎЛИДАН — ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

Қизил майдонда ҳарбий парад ва намойиш

Байрамнинг қутлуғ бўлсин, ўртоқ!
Улуғ Октябрь байрамнинг муборак бўлсин!

Мана шундай табрик сўзлари 63 йилдан бери янграб, ҳамма вақт бизга бахт ва қувонч бахш этиб келмоқда. Зеро, дунёда биринчи социалистик давлат — Советлар мамлакатининг туғилган кунидан ҳам азизроқ ва қадрлироқ байрам йўқ.

Октябрь йиллигида совет халқи босиб ўтилган йўлга баҳо беради, ғалабалар билан фахрланади, янги чўққиларни белгилайди. КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев бизнинг эртанги кундан ишончимиз комил эканини қуйидагича ифодалади:

«... Мамлакатимиз 80-йилларга қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий потенциалга эга бўлиб, юқори малакали кадрлар билан қадам қўймоқда. Биз келажакка ишонч билан қараймиз».

Октябрнинг бу галги йиллиги КПСС XXVI съезди арафасида нишонланмоқда. Мамлакатимиз турмушининг бутун маромини партия анжуманига тайёргарлик ишлари белгилаб турибди. Шу боисдан ҳам бугун «Октябрь ва съезд» сўзлари бир-биридан ажралмасдир.

Қизил майдоннинг 7 ноябрь кунги байрам безагида ҳам шу сўзлар кўп марталаб такрорланди. Бу ерда Москва гарнизони қўшинларининг паради ва Москва меҳнаткашлари вакилларининг намойиши бўлди.

Давлат универсал магазини пештоқига Владимир Ильич Ленин портрети қўйилган. Унинг ёнидаги икки панно тарих билан ҳозирги замоннинг йўқламаси деса бўлади. Уларнинг бири «Улуғ Октябрь» ва иккинчиси «Коммунизм ғалаба қозонади» деб аталади. Пулемет лентасини белига ўраган матрос, солдат шинелидаги деҳқон озодлик ва бахт-саодат учун кураш эстафетасини авлодларга — олим, колхозчи аёл ва ишчига бераётгандек. Улар «Партия сиёсатини маъқуллаймиз!» сўзлари ёзилган алвонни баланд кўтарганлар.

Кремль деворига — СССР герби, иттифоқдош республикаларнинг герблари қўйилган. Баланд таёқнинг учидаги СССРнинг қизил байроғи ҳилпираб турибди. Майдон четида ўн беш иттифоқдош республиканинг байроқлари кўтарилган.

Меҳмонларга ажратилган минбарларда партия ва революция ветеранлари, гражданлар уруши ва Ватан урушининг қаҳрамонлари, дастлабки беш йиллик зарбдорлари, ишлаб чиқариш илғорлари, фан ва маданият арбоблари, космонавтлар туришибди. СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳозир бўлганлар.

Москваликлар ва пойтахт меҳмонлари Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарларини узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан табриклаб кутиб оладилар. **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков** ўртоқлар Мавзолейнинг марказий минбарига чиқадилар. Таниқли совет ҳарбий бошлиқлари ҳам шу ерда ҳозир бўлдилар.

Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши (МХМК) Раиси, Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси (ЭМПТК) Раиси **Менгисту Хайле Мариам** Мавзолей минбарида турибди.

Эрталаб соат ўн. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов Спасский минораси дарвозасидан очиқ машинада чиқиб келади. Тарих музейи тарафдан парад қўмондонининг машинаси унга пешвоз келади. Ленин орденли Москва ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони армия генерали В. Л. Говоров Мавзолей олдида рапорт беради. Министр рапортни қабул қилиб, қўшинларнинг сафларини айланиб чиқади, уларни байрам билан қутлайди. Бунга жавобан «Ура!» садолари янграйди.

СССР мудофаа министри қўшин сафларини айланиб бўлгач, Мавзолей минбарига чиқади ва нутқ сўзлайди.

Ўртоқ Д. Ф. УСТИНОВ нутқи

Совет Қуролли Кучларининг жангчилари, ўртоқлар!

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари!

Ҳурматли чет эллик меҳмонларимиз!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан ҳамда уларнинг топширувига биноан сизларни умумхалқ байрами — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги билан табриклайман ва қутлайман.

Совет кишилари Улуғ Октябрнинг 63 йиллигини зўр ватанпарварлик ифтихори туйғуси билан кутиб олмоқдалар. Социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари, бутун тараққийпарвар инсоният бу байрамни биз билан бирга тантанали равишда нишонламоқдалар.

Бу йил Октябрь байрами КПСС XXVI съезди арафасида нишонланаётганлиги билан ажралиб туради. Жонажон Коммунистик партия теварагида маҳкам жипслашган совет халқи партиянинг навбатдаги съездини куч-қувват ва ижодий ғайратга тўлиб кутиб олмоқда, ўнинчи беш йиллик планни якунлаш учун муваффақиятли меҳнат қилмоқда. Съездолди социалистик мусобақаси ғоят кенг қулоч ёзганлиги бутун мамлакатда жўш урган меҳнат

(Давоми иккинчи бетда).

РЕВОЛЮЦИОН ОДИМ ТАШЛАЙМИЗ

Тошкентда ҳарбий парад ва байрам намойиши

Қирмизи байроқлар ва транспарантлар Ўзбекистон пойтахти кўчаларидаги кузги олтин япроқларнинг ҳуснига ҳусн қўшиб, Тошкент марказига йўл олган байрамона гавжум ва хушчақчақ кишилар оқимида оловдек порламоқда. Революция йўлбошчиси, Коммунистик партия ва жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси Владимир Ильич Ленининг ҳайкали қад кўтариб турган шаҳарнинг бош майдони улуғвор манзара касб этган. Ҳайкалнинг иккала томонида Карл Маркс ва Фридрих Энгельснинг, КПСС ленинчи Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатларининг портретларини кўрамиз. Транспарантларда партия Марказий Комитети Октябрь чақириқларининг сўзлари кўзга яққол ташланиб турибди, биноларнинг пештоқидаги ранг-баранг паннолар республика меҳнаткашлари КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш иштиёқида эканлигини акс эттиради.

Меҳмонлар учун ажратилган минбарларда — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари, революцион воқеаларнинг қатнашчилари, партия ва меҳнат ветеранлари, фан ва маданиятнинг таниқли арбоблари, чет эллик меҳмонлар туришибди.

...Эрталаб соат 10. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, Р. С. Ашуралиев, В. П. Есин, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев ҳукумат минбарига чиқадилар.

(Давоми иккинчи бетда).



ТОШКЕНТ. 1980 йил 7 ноябрь. Меҳнаткашларнинг байрам колонналари.
Ж. Тўраев фотоси.

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги муносабати билан 7 ноябрь куни Кремлнинг Съездлар саройида қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Залда КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари, министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, ҳарбий бошлиқлар, ишлаб чиқариш новаторлари, фан ва маданият арбоблари, космонавт-учувчилар, жамоат ташкилотларининг намояндалари бор эди.

Қабул маросимида Коммунистик ва ишчи партияларнинг таниқли арбоблари иштирок этишди.

Меҳмонлар орасида СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, Октябрнинг 63 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашмоқ учун Москвага келган чет эллик меҳмонлар, диний арбоблар, журналистлар ҳам бор эди.

Қабул маросимида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Шу залда ҳозир бўлган совет жамоатчилиги намояндаларини партия Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан самимий табриклайман.

Ўртоқлар, мен сизлар орқали ҳарбий парад ва Москва меҳнаткашлари байрам намойишининг ҳамма қатнашчиларини, бугун ўзларининг энг катта байрами — Улуғ Октябрь социалистик революцияси йиллигини нишонлаётган барча гражданларимизни қутлайман.

Бу ерда биз меҳмонларимиз — кўпгина чет давлатларнинг вакилларини кўраётганлигимиздан хурсандмиз.

Бугун ўн минглаб совет кишилари тарихий Қизил майдондан ўтдилар. Жангчилар одатдагидек қўлларида қурол билан ўтдилар. Ишчилар, хизматчилар, олимлар ва тинч касбдаги бошқа кишилар меҳнат ғалабалари тўғрисидаги рапортларни ҳамда коммунистик бунёдкорликдаги янги шонли ишларга қилинган даъватларни, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш шиорларини кўтариб бордилар.

Бунда бизнинг мамлакатимиз ҳаётига, партиямиз ва давлатимизнинг сиёсатига хос фазилатлар — ўз кучларига комил ишонч, мустаҳкам тинчлик учун актив кураш, халқ бахт-саодати йўлида, коммунизм манфаатлари йўлида астойдил ижодий меҳнат ўзининг яхши ифодасини топди.

Бу йил бизнинг байрамимиз алоҳида аҳамият касб этган: мамлакат ўнинчи беш йилликни тугалламоқда, ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда, ўз Коммунистик партияси XXVI съездини кутиб олмоқда.

Ўтган беш йилликда хўжалик ва маданий қурилишда, социалистик демократиямизни ривожлантиришда кўпгина ишлар қилинди. Биз, ҳаммамиз бу ишлар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ҳали ҳал этилиши лозим бўлган проблемалар ҳам оз эмас. Ҳозир партиянинг фикри-зикри, бутун халқнинг куч-ғайрати ана шунга қаратилган.

Янги беш йилликда совет кишиларини саноат ва қишлоқ хўжалигида, қурилиш ва транспортда, фан ва маданият соҳасида катта ва масъулиятли ишлар кутмоқда.

Халқ бахт-саодати йўлида уларнинг ҳаммаларига муваффақиятлар ва ижодий зафарлар тилаймиз!

Бизнинг чет эллик меҳмонларимизни эса ишонтириб айтмоқчиманки, Совет Иттифоқи ўз ташқи сиёсатининг тинч йўлига муттасил содиқ бўлиб қолади, қуролланиш пойгасига ва ҳарбий авантюраларга қарши, барча давлатларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги учун қатъий курашаверади.

Бу курашда биз ўз иттифоқчиларимиз — қардош социалистик мамлакатлар билан якдилмиз. Бу ишда бизни барча тинчликсевар кишилар — демак, Ер юзи аҳолисининг ғоят катта кўпчилиги қўллаб-қувватламоқда.

— Ленинчи партиямиз учун!

— Мамлакатимизнинг ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлари ва меҳнаткаш зиёлилари учун!

— Ватанимизнинг шавкатли посбонлари учун!

— Мустаҳкам тинчлик ва тинч коммунистик бунёдкорлигимизнинг муваффақияти учун! — қадаҳ кўтаришни таклиф қиламан.

* * *

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқи давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

Қабул маросими самимий ва сидқидиллик вазиятида ўтди.

Санъат усталари байрам концерти қўйиб бердилар.

(ТАСС).

ОКТЯБРЬ ЙЎЛИДАН — ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

(Бошн биринчи бетда).

ғайрати ва сиёсий активлигининг ёрқин ифодасидир. КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг қарорлари ва ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Пленумдаги нутқи, СССР Олий Советн тўртинчи сессиясининг қарорлари меҳнаткашларнинг ижодий активлигини янада кучайтирди.

Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг фидокорона меҳнати ажойиб самаралар берди. Ватанимизнинг қудрати мустаҳкамланмоқда. Унинг миллий бойлиги узлуксиз кўпаймоқда. Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада ошириш программаси турмушга татбиқ этилмоқда. Бутун халқ хўжалигининг негизи бўлган социалистик индустрия дадил олға босмоқда. Қишлоқ хўжалиги тобора интенсивлашмоқда. Далаларнинг меҳнаткашлари қийин об-ҳаво шароитларида бу йилги ҳосилни йиғиштириб олиш учун имкони бўлган ҳамма ишларни қилдилар. Ватанимиз фани ва маданияти янада юксалмоқда. Халқимиз ғоявий-сиёсий жиҳатдан тобора жипслашмоқда, кўп миллатли Совет давлати мустаҳкамланмоқда, социалистик демократия ривожланмоқда.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари, Қуролли Кучларнинг жангчилари, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, унинг Марказий Комитети, ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюроси фаолиятини астойдил маъқулламоқдалар ҳамда яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Коммунистик партия билан Совет давлати қардош социалистик мамлакатлар билан бирлашиб халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун, халқаро кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш ва чуқурлаштириш учун, қуролланиш пойгасини жиловлаш учун изчиллик билан курашмоқдалар. Зулм, милитаризм ва агрессия кучлари, Америка империалистининг, агрессив НАТО блокининг ҳаракатлари халқаро сиёсатда тинчликсеварлик йўлига қарши бўлиб турибди. Улар инсониятни яна «совуқ уруш»га гирифтор қилишга уринмоқдалар, уруш тайёргарлигини кучайтирмоқдалар. АҚШда «янги ядро стратегияси» деб аталган стратегиянинг қабул қилиниши ракета-ядро можароси хавфини оширувчи навбатдаги қадам бўлди. Пекинниинг АҚШ ва бошқа империалистик давлатлардаги энг агрессив доиралар билан тобора яқинлашиб бораётганлиги дунёдаги кескин вазиятни янада кўпроқ чигаллаштирмоқда.

Тинчлик душманларининг кирдикорлари доимо сергак бўлиб туришимизни, империализмнинг ҳарбий устунликка эришиш даъволарини барбод қилиш учун Совет давлатининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашни талаб қилади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев айтганидек: «Биз ҳеч кимнинг ерига тажовуз қилмаймиз, ҳеч кимнинг ички ишларига аралашмаймиз. Аммо ўз ҳуқуқларимизни ва қонуний манфаатларимизни ҳамиша ҳаттиқ туриб ҳимоя қилишга қодирмиз». Совет Қуролли Кучлари Улуғ Октябрь ғалабаси пособонлигида сергак турибдилар. Улар ҳар қандай агрессорга қақшатқич зарба бериш учун зарур нарсаларнинг ҳаммасига эгадирлар.

Партия билан халқнинг доимий ғамхўрлигига совет жангчилари жанговар ва сиёсий тайёргарликда янги муваффақиятлар билан, ажойиб ватанпарварлик ишлари билан жавоб бермоқдалар. Жанговар шайликни ошириш уларнинг партия XXVI съездини муносиб кутиб олишга қўшган ҳиссасидир. Совет Қуролли Кучлари социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қардош армиялари билан биргаликда ўз ватанпарварлик ва интернационал бурчини бажаришга доимо тайёрдирлар.

Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги!

Яшасин совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамо кучи — Совет Иттифоқи ленинчи Коммунистик партияси!

Коммунизм бинокори, бутун дунёда тинчлик учун ҳаҳчил курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

Ура!

* * *

Уч карра айтилган «Ура!» садолари майдон узра янги куч бўлиб тўлқинланади. Тўпландан ўқ узиб берилган салют садолари янграйди. Қўшма оркестр Совет Иттифоқи гимнини ижро этади.

Тарих музейи тарафдан барабанларнинг овози эшитилади. Айланага кўра, Москва ҳарбий-музика мактабида таълим олаётган барабанчилар билан фанфарачиларнинг колоннаси қўшинларнинг парадини бошлаб беради.

М. В. Фрунзе номли ҳарбий академия, В. И. Ленин номли ҳарбий сиёсий академия, Ф. Э. Дзержинский номли ҳарбий академия, Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский номли бронетанк қўшинлари ҳарбий академияси, В. В. Куйбишев номли ҳарбий инженерлик академияси, Совет Иттифоқи Маршали С. К. Тимошенко номли химиявий ҳимоя ҳарбий академияси, Ю. А. Гагарин номли ҳарбий-ҳаво академияси, профессор Н. Е. Жуковский номли ҳарбий-ҳаво инженерлик академиясининг тингловчилари мавзолей олдидан ўтадилар.

Қизил юлдуз тақилган оқ-зангори байроқ остида П. С. Нахимов номли Қора денгиз олий ҳарбий денгиз билим юртининг талабалари ўтадилар. Бу йил улар парадда ҳарбий денгиз флотидан қатнашишга мушарраф бўлдилар.

Десантчи парашютчилар майдонга кириб келадилар. Моссовет номидаги Москва олий чегара командирларн билим юртининг курсантлари, денгиз пиёда аскарлари, Ф. Э. Дзержинский номли дивизия жангчилари уларнинг ўрнини оладилар. Яна бир колонна — РСФСР Олий Совети номидаги Москва олий умумқўшин командирлари билим юртининг курсантлари кириб келадилар. Улар 1918 йилдаги Биринчи май ҳарбий парадида биринчи бор қатнашган эдилар. Уша пайтдан бери билим юрти Қизил майдондаги ҳамма парадларнинг доимий қатнашчисидир. Фақат 1941 йил ноябридаги парадда билим юртининг талабалари қатнашмадилар. Улар алоҳида полк составида пойтахтга яқин жойларда машҳур панфиловчилар дивизияси билан ёнма-ён тўриб жанг қилаётган эдилар.

Бир зум майдон жимиб қолади. Мана, ниҳоят моторларнинг гуриллаши эшитилади. Жанговар машиналар ва бронетранспортерларда М. И. Калинин номидаги гвардиячи мото-ўқчи Таман дивизиясининг бўлинмалари майдонга кириб келадилар. Таманчилар ўрнини ҳарбий десант қўшинлари олади. Танк моторларининг гувиллаши кучаяди. Артиллерия маршга қўшилади. Уруш йилларида артиллеримиз ўзини сўнмас шуҳратга чулғаган эди. Эндиликда артиллеристнинг ўт очиш қудрати анча ошган. Қизил майдондан ўтиб бораётган ҳозирги замон узоққа отадиган тўпларн, катта калибр ва қудратга эга бўлган тўплари, реактив қурилмалар бунинг яққол далилидир.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг зенит-ракета бўлинмалари парад сафига қўшилади. Коммунистик партия билан бутун халқнинг ғамхўрлиги туфайли мамлакатнинг ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари биринчи даражали жанговар техника билан таъминланган.

Парад қатнашчилари орасида — ҳаво ҳужумидан мудофаа қилувчи Ленин ордени ва гвардиячи зенит-ракетали Путилов-Киров полкининг бўлинмалари бор. Полкнинг тарихи—ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари жанговар йўлининг тимсолидир. В. И. Ленининг кўрсатмаси билан ташкил этилган самолётга қарши батарея негизида кейинчалик шу полк тузилган бўлиб, у гражданлар уруши йилларида ажнабий интервенциячиларга қарши жангларда қатнашди.

Тактика ва оператив тактика ракеталари майдонга кириб келади. Ракетачилар шаҳсий составининг муваффақиятларини партия билан Совет давлати юксак тақдирлаганлар. Кўпгина жангчилар орден ва медаллар билан мукофотланганлар.

Совет Армияси билан Ҳарбий-Денгиз Флоти Улуғ Октябрнинг 63 йиллигини жанговар ва сиёсий тайёргарликда, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақада янги муваффақиятлар билан нишонладилар. Халққа, жонажон Коммунистик партияга астойдил садоқатли армиямиз билан флотимиз ўз ватанпарварлик ва интернационал бурчини бажаришга — Ватанни, социализмнинг улуғ ғалабаларини ҳимоя қилишга ҳамиша тайёрдирлар.

Минг кишилик қўшма ҳарбий оркестрнинг сафлари минбарлар олдидан ўтади. Ҳарбий парад тугади.

Фанфаралар янграйди. Параднинг сиюн раңглари ўрнини байрамнинг ранг-баранг бўёқлари олади, булар орасида қирмизи ранг алоҳида кўзга ташланади. Намойиш кириш қисмининг қатнашчилари майдонга чиқадилар. Олдинда «63» рақамлари билан «Октябрь» сўзи порлаб турибди.

Сафлар узра Маркс-Энгельс-Ленин портретлари кўтарилган. Уларнинг социалистик ватан ҳаёт программаси бўлиб қолган таълимоти барҳаётдир. Намойишчиларнинг қўлларида совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамо кучи — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини шарафловчи транспарантларни кўрамиз. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг портрети қирмизи алвонлар билан ўралган. Илюминацияланган ҳарфлар порлаб, «КПССга шон-шарафлар!» шиори пайдо бўлади.

Октябрнинг: «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олайлик!» деган чақириғи янграйди.

Партиянинг Октябрь таътаналарига чақириқлари мамлакат тарихининг муҳим босқичларида халқ учун ҳаракат программаси бўлиб келди. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг биринчи беш йиллик плани тўғрисида директивалар қабул қилган ВКП(б) XV съезди олдидан 1927 йилда партия революциянинг ўн йиллигига шиорлар чиқарган эди. Ана шу шиорларнинг бирида бундай дейилган эди: «СССР — барча миллатларнинг қардошлик иттифоқини ҳамда уларнинг иқтисодий ва маданий ривожланиши тўла имкониятини таъминлаб берувчи дунёдаги яккаю ягона давлатдир». Ўшанда ёш республика биринчи беш йиллиққа ҳозирлик кўраётган эди. Бугунги кунда ривожтопган социализм мамлакати ўнинчи беш йиллик планни муваффақиятли якунламоқда. Ўнта беш йиллик— тарих учун унча катта муддат эмас, аммо шу вақт ичида қанчадан-қанча ишлар қилинди!

Ўтган йиллар партия ишлаб чиққан иқтисодий стратегиянинг тўғрилигини тасдиқлади. Ҳозирги беш йиллик коммунизм сари комил ишонч билан бораётган совет халқи қаҳрамонона ишлари тарихида муносиб ўринни олади, деб таъкидлаб ўтилди КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида.

Партия сўзини кишилар чин қалбдан қизғин маъқуллаб кутиб олмоқдалар. Беш йиллик топшириқлари бажарилганлиги тўғрисида, социалистик мусобақадаги муваффақиятлар ҳақида Москва меҳнаткашларининг рапортларини кўтариб олган колонналар бормоқда. Москва меҳнаткашлари бажо келтирган ҳамма энг яхши ишлар съездга бағишланади. Бу рапортлар пойтахт ютуқлари йилномасидан олинган сатрларга ўхшайди: юзлаб саноат корхонаси беш йилликни адо этди, неча ўн минглаб меҳнаткашлар шахсий йиллик топшириқларини 7 ноябргача бажариб қўйдилар. Салкам икки миллион киши — москваликларнинг тахминан тўртдан бир қисми уй-жой шароитини яхшилаб олди.

Майдонга пойтахт ёшлари кириб келадилар. Ҳунартехника билим юртларининг ўқувчилари, студентлар қурилиш отрядларининг жангчилари ўтиб бормоқдалар.

Социалистик мамлакат навқирон, совет халқи навқирон — революцион ғайрат-шижоати, умидворлиги, ҳаққонийлигини тарих исботлаганн билан навқирондир.

Майдон узра Москвадаги XXII Олимпиада ўйинларининг таниш эмблемаси. Қизлар қўлларига бир-бирига туташтан Олимпиада ҳалқаларини кўтариб олишган. Ўйинларда совет спортчилари 195 та медални қўлга киритдилар. Номлари олимпиада ҳаракати тарихига кирадиган голибларнинг баъзилари бугун намойишчилар орасида.

«Кескинликни юмшатиш, ҳамкорлик, ҳавфсизлик!» — шиори колонналар узра кўтарилган.

КПСС билан Совет давлати Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, социализм мамлакатларининг, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг жипслиги учун қураш намунасини кўрсатмоқдалар. 6 ноябрь куни Кремлнинг Съездлар саройида бўлиб ўтган тантанали мажлисда бу нарса яна бир бор қатъий таъкидланди.

Намойиш қатнашчилари тўхтайдилар, қизил чинни гулларни кўтариб:

«Партия сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз!» деб баралла хитоб қиладилар.

Пионерлар Мавзолей зинапояларидан юқорига кўтариладилар. Улар партия ва давлат раҳбарларига гуллар ҳамда қирмизи бантлар тақдим этадилар.

Минг-минглаб овозлар КПСС ленинчи Марказий Комитети, совет халқи, социалистик Ватан шарафига табрик сўзларини айтадилар.

Партия тўғрисидаги қўшиқнинг тантанавор оҳанги янграйди. Майдон марказида — Владимир Ильичнинг жуда катта портрети турибди. Унинг тагида: «Улуғ Ленининг номи ва иши асрлар бўйи яшайверсин!» деган лавҳа ёзилган. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларининг портретлари колонналар узра кўтариб олинган. Майдон бўйлаб қудратли «Ура!» садолари таралади.

Совет пойтахтининг байроғи олиб кирилади. Олдинда «Москва-қаҳрамон шаҳар» транспаранти ўтиб бормоқда. Намойишчиларнинг колонналари майдонга бир нечта оқим бўлиб кириб келадилар.

И. А. Лихачев номли завод вакиллари биринчилар қатори қадам ташлаб келади. «ЗИЛ» автомобилининг макети улар байрам намойишларининг доимий йўлдошидир. Корхона беш йиллик бошидан буён пландан ташқари 7.200 та ана шундай машиналарни ишлаб чиқарди.

Намойишчилар орасида темирчи А. Медведев ҳам бор. У шахсий беш йиллик топшириқларини революция йўлбошчиси туғилган кунининг 110 йиллигигача муддатидан илгари бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ташаббускорларидан биридир. А. Медведев беш йиллик программасини 22 апрелда адо этди. Бугунги кунгача эса заводда 11 мингдан кўпроқ киши ана шу маррани эгаллади.

Бу йил корхона конвейерларидан кўп юк ортилган автопоездларни торта олдиган дизель моторли янги автомобиль тушди. Бу йилги ўрим-йиғим мавсумида у аълo жиҳатларини намойиш қилди. Қозоғистон далаларида ишлаган минг-минглаб автомобиллар орасида коллектив Бутуниттифоқ ленинча шанбалиги кунида тайёрлаган юк машиналарининг колоннаси ҳам бор эди.

— Партия XXV съезди ишлаб чиққан иқтисодий стратегия мамлакат ишчилар коллективларининг беш йиллиқдаги асосий қонуни бўлиб қолди, — дейди съезд делегати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони инструменталчи-слесарь В. Павловский. — Бугун Москва меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллик мобайнидаги шонли зафарлар тўғрисида шунчаки рапорт бериб қолаётганлари йўқ. Ишчилар синфи якунларни чиқарар экан, ўз ишларига ҳаққоний баҳо беради, ҳал этилмаган масалаларга эътиборни жалб этади. КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақа ишни янада такомиллаштиришнинг қудратли омили бўлиб қолди.

Майдонда — Октябрь номи билан аталувчи район вакилларининг колоннаси. Албон байроқлар ва транспарантлар орасида «Краснний пролетарий» станоксозлик заводининг эмблемаси кўзга ташланади. Завод пролетариати 75 йил муқаддам Москва баррикадаларида революцияга содиқ бўлиб қолишга қасамёд қилган эди. 1917 йилда юнкерлар билан жанглар, биринчи беш йилликлар даври, суронли уруш йилларининг вахталари ишчилар коллективларининг таржимаи ҳоли бўлиб қолди. Корхона тамғаси тушириган станоклар халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаб турибди. Бу корхона Октябрнинг йиллигини янги ғалабалар билан кутиб олмоқда. Транспарантларга: «Маҳсулот реализация қилиш беш йиллик планни муддатидан илгари бажарилди», «Беш йиллик топшириғидан ташқари 1100 та станок ишлаб чиқарилди» деган рапортлар ёзилган.

Бугун намойишга келганлар орасида СССР Давлат мукофотининг лауреати И. Мальцевни учратдик.

— Бизнинг заводимиз самарадорлик ва сифат беш йиллигини фақат аълo даражадаги асбоб-ускуналар билан таъминлаб турди, — дейди у. — Энди биз учун энг асосий вазифа — эртанги кун тўғрисида ғамхўрлик қилишдир. Леонид Ильич Брежнев КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида сўзлаган нутқида машинасозликни янада юксалтириш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди. Яқинда заводда электроника билан бошқариладиган станоқ яратилди. Минглаб ишчиларнинг меҳнатини енгиллаштирадиган маҳсулотни коллектив КПСС XXVI съезди арафасида кўплаб ишлаб чиқара бошлайди.

«Яшасин халқаро ишчилар синфининг синаллган ва қудратли қуроли — пролетар интернационализми!» — КПСС Марказий Комитетининг бу чақириғи ҳар бир совет кишисининг қалбига жо бўлиб қизғин акс-садо бермоқда. Қизил пролетарчилар социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликка катта ҳисса қўшмоқдалар. Ана шу мамлакатларда уларнинг маҳсулоти яхши маълум. Коллективнинг социалистик Вьетнам индустриясининг тўнғичи — Ханой станоксозлик заводини барпо этишга қўшган ҳиссаси қардошларча дўстликнинг ёрқин намунаси бўлди.

Колонналар узра социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари халқларининг бирлиги ва жипслигини, шарафловчи шиорлар кўтарилган СССР, социализм бошқа мамлакатлари — тинчликнинг бош таянчи эканлигини социализм билан тинчлик ажралмаслигини бутун тараққийпарвар инсоният яхши билади.

«Красний пролетарий» вакиллари билан уларнинг ҳамкасблари — Серго Орджоникидзе номли заводнинг ишчилари ва конструкторлари майдонда ёнма-ён ўтиб борадилар. Коллективнинг меҳнат зафарлари тўғрисидаги кўпгина ҳисоботлар орасида қуйидагиси ҳам бор: «Корхона халқаро «Олтин Меркурий» мукофоти билан тақдирланган». Мазкур заводнинг асбоб-ускуналари ўнлаб мамлакатларга етказиб берилмоқда. Совет агрегатларининг юксак сифатли, унумли ва мустаҳкам эканлиги уларнинг чет эл фирмаларидаги энг яхши намуналар билан мусобақага тушишга имкон бермоқда. Ана шу станоклари ривожланаётган мамлакатларда ҳам билишади. Ўзининг интернационал бурчига содиқ бўлган Совет Иттифоқи мустамлакачиликнинг зулмидан озод бўлган мамлакатларга миллий экономикани тиклашда, халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашда, фан ва маданиятни ривожлантиришда ёрдам бермоқда.

Ёниб турган лампочкалар тодаси ўралган генератор— Москва автотрактор электр асбоб-ускуналари заводи «АТЭ-1» меҳнаткашлари майдонга кўтариб кириб келаётган паннодир. Бу ерда беш йиллик топшириқлари барча техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича адо этилган, белгилангандан ташқари 7 ноябргача 18 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Ўнинчи беш йиллик партиянинг ҳар бир оилани шинам квартира билан таъминлашдан иборат йўлини изчиллик билан амалга оширишда муҳим босқич бўлиб қолди. Пойтахтдаги кўпгина қурилиш ташкилотлари бугунги кундаёқ беш йиллик топшириқлари бажарилганлиги тўғрисида маълум қилмоқдалар. 47.500 квартира барпо этган 3-уйсозлик комбинатнинг илғор коллективи ҳам шулар жумласидандир.

Намойиш давом этмоқда. Кўпдан-кўп байроқлар, транспарантлар, бадиий паннолар орасида «Парижская коммуна», «Серп и Молот», ГПЗ-1 деган таниш номларни кўрамиз.

Янги ёрқин бўёқлар. Ранг-баранг ғаламлар колонналар узра қуёш нурларида товланмоқда. «Трехгорка» тўқимачилари «Беш йиллик мобайнида 67 миллион метр газлама давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилди», деган рапортни майдондан фахрланиб кўтариб ўтадилар. «Большевичка» тикувчилик бирлашмасининг меҳнат ғалабаларидан мағрур ишчи аёллар ҳақиқатан ҳам «олтин» деб атаса бўладиган колоннадан бормоқдалар.

Майдонда — Тимирязев районининг вакиллари. Ҳамиша бўлганидек, бу сафар ҳам Москва области совхоз ва колхозларининг вакиллари улар билан ёнма-ён бормоқдалар. Байрамона Москва улар орқали барча деҳқонлар ва чорвадорларни табриклайди.

Байрам колонналарида Москва ишчилари билан бир қаторда санъат ва меҳнат иттифоқини мустаҳкамлашга ижодий ҳисса қўшаётган, ўз асарларида коммунизм бинокорларининг қаҳрамонона образларини мужассамлаштираётган ёзувчилар, рассомлар, артистлар одим ташлаб бормоқдалар.

Пойтахтнинг ҳар бир районида тадқиқот институтлари, лабораториялар ёки олий ўқув юртларининг илмий кафедралари ишлаб турибди. Москванинг илм-фан аҳли — партиянинг тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш билан алоқаларни яна ҳам мустаҳкамлаш тўғрисидаги даъветига амалий иш билан жавоб қайтараётган кишилар бормоқда. Ўзининг бутун кучи ва билимини КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олишга сарфлашга, мамлакат халқ хўжалигининг барча соҳаларига қўшаётган ижодий ҳиссаларини кўпайтиришга азму қарор берган кишилар ўтиб бормоқдалар. Янги космик сафарлар сари йўл очаётган кишилар ўтиб бормоқдаларки, уларни минбарда туриб қаҳрамон космонавтлар табриклаётган ва миннатдорчилик билдирмоқдалар.

Майдон яна ёшлар билан тўлади. «Партия билан бирга — меҳнат ва жасоратга!» — Ленин васиятларига содиқ ёшларнинг шиори, уларнинг илғор отряди — пойтахт комсомолларининг шиори ана шундай. Ёшлар меҳнат муваффақиятлари тўғрисида Ленин комсомоли туғилган куни партияга, халққа рапорт бердилар.

Майдон бўйлаб яна бир марта қирмизи тўлқин ёйилади — ёш ўринбосарларимиз қизил вимпеллар билан Октябрни шарафлайдилар. Игит ва қизлар оталар ишини, революция ишига содиқ бўлиб қоламиз, деб қасамёд қиладилар. Октябрь ғоялари абадий барҳаётдир. Бу сўзларни тасдиқлагандек қўшиқ янграйди.

Октябрь ҳамиша биз билан, бизнинг ишларимиз ва қалбларимиздадир. Ленин васиятларига содиқ бўлган совет халқи тинч, бунёдкорлик меҳнати билан Ватан қудратини оширмоқда.

Қизил майдондан репортажни ТАСС мухбирлари: М. БОРОДИНЯ, В. ВОЛНОВ, Л. ЕРМАКОВА, В. СЕРОВ, Е. ХОРЕВА олиб бордилар.

РЕВОЛЮЦИОН ОДИМ ТАШЛАЙМИЗ

(Бошн биринчи бетда).

Майдонга очиқ автомобилда Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник Ю. П. Максимов кириб келади. У парад қўмондонининг рапортини қабул қилади, майдонда саф тортиб турган ҳарбий бўлинмаларни айланиб чиқади ва минбарга кўтарилиб, туркистонлик жангчиларга, Тошкент ва бутун республика меҳнаткашларига мурожаат қилиб, нутқ сўзлайди. Қўмондон Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва ҳукумати номидан ҳамда уларнинг топшириғига биноан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги билан уларни табриклайди ва қутлайди.

Совет кишилари, дейди қўмондон, Улуғ Октябрь байрамини КПСС XXVI съездига тайёргарлик, партия Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг ҳамда СССР Олий Совети тўртинчи сессиясининг қарорлари туфайли вужудга келган зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати кучайган бир вазиятда нишонламоқдалар. Мамлакатимиз меҳнаткашлари ана шу муҳим ҳужжатларни, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларни қизғин маъқуллаганлар, Коммунистик партиянинг ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Барча совет кишилари каби серқуёш Ўзбекистон меҳнаткашлари, округ жангчилари ҳам шонли Октябрнинг 63 йиллигини муносиб кутиб олмоқдалар. Республикада халқ хўжалиги муттасил ривожланиб бормоқда, иш сифати ва самарадорлиги ошмоқда, меҳнат унумдорлиги ўсмоқда. Республика саноати ўн ойлик планни муваффақиятли бажарди. Ўзбекистоннинг қишлоқ меҳнатчилари ва барча меҳнаткашлари ҳақиқатан ҳам қаҳрамонона жасорат кўрсатдилар, улар «оқ олтин» учун олиб борилган машаққатли жангга шараф билан бардош бердилар — Ватанга биринчи марта олти миллион тоннадан кўпроқ Ўзбекистон пахтаси етказиб берилди.

Коммунистик партия билан Совет давлати ленинча ташқи сиёсий йўлни изчиллик билан амалга ошира бориб, халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, халқаро кескинликни юмшатиш учун сабот билан курашмоқдалар. Аммо кейинги вақтларда дунёдаги вазият, даставвал, АҚШнинг ва НАТО раҳбарларининг айби билан кескин чигаллашди. Империалистик мамлакатларда ҳарбий бюджетлар оширилмоқда, телбаларча қуролланиш пойгаси давом эттирилмоқда, милитаристик васваса, Советларга қарши кампания авж олдирилмоқда. Пекиндаги ҳозирги раҳбарлар империализмнинг агрессив кучлари билан апоқ-чапоқ бўлиб кетдилар.

Шундай шароитларда партия дунёдаги ҳарбий сиёсий вазиятнинг ривожланишини эътибор билан кузатиб турибди, Совет Қуролли Кучлари социалистик Ватанни мустаҳкам равишда ҳимоя қила олишга қодир бўлишлари, ҳар қандай агрессорга дарҳол зарба беришни гарантиялайдиган доимий жанговар шай ҳолда туришлари учун ҳамма ишни бажо келтирмоқда. Севикли Ватанимизнинг жанубий чегараларини сергаклик билан қўриқлаб турган Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг жангчилари Ватан қуролли ҳимоячиларининг ягона сафида турибдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги шарафига, қаҳрамон совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари шарафига, барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси— Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига хитоб сўзлари янграйди. Майдон узра такрор-такрор айтилган «Ура!» садолари, артиллерия салютининг гулдурос овозлари янграйди. Оркестр Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг Давлат гимнларини ижро этади.

Ҳарбий парад қатнашчилари барабанларнинг гумбурлаган овозлари остида майдонга кириб келадилар. Туркистон ҳарбий округи қўшинлари турларининг вакиллари шаҳдам қадам ташлаб минбарлар олдидан ўтадилар, қудратли техника ҳаракатга келади. Ватан ҳимоячилари, туркистонлик жангчилар жанговар маҳоратни, техника билан таъминланганликларини намойиш қиладилар. Парад ҳарбий оркестрларнинг марши билан тугайди.

Мана энди майдонга меҳнаткашларнинг байрам намойиши тўлқиндек кириб келади. Қирмизи байроқлар, плакатлар, шиорлар кўтариб олган колонналар беш оқим бўлиб ҳаракат қилмоқда. Улуғ Ленинга— шон-шарафлар! Жонажон партияга — шон-шарафлар! Халқларнинг ленинча дўстлигига — шон-шарафлар! Шон-шарафлар! Завқ-шавққа тўла бу сўзлар олис атрофга таралмоқда.

Орденли Тошкентнинг революцион ва меҳнат шуҳрати билан бурканган байроғи, Бутуниттифоқ ва республика социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари учун шаҳарга ҳамла пойтахтнинг меҳнат коллективларига топширилган эсдалик байроқлари ва кўчма байроқлар мағрур ҳилпираб турибди.

Далаларнинг қудратли «кемалари» — пахта териш машиналарини майдонга тўпланган кишилар қарсаклар билан кутиб оладилар. Машина бункерига «6.150.000» рақами ёзилган эди. Тарихда биринчи марта «оқ олтин» етиштириш ва тайёрлашда олти миллионли марралан ўзиб кетган республика пахтакорларининг ажойиб муваффақияти, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон деҳқонларн, барча меҳнаткашларини меҳнатдаги буюк ғалаба билан самимий муборакбод этиб юборган табрикномаси бу йилги намойишга алоҳида завқ-шавқ бағишлади.

Тошкентликларнинг КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олишга, КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон деҳқонларн, барча меҳнаткашларини меҳнатдаги буюк ғалаба билан самимий муборакбод этиб юборган табрикномаси бу йилги намойишга алоҳида завқ-шавқ бағишлади.

Тошкентликларнинг КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олишга, КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон деҳқонларн, барча меҳнаткашларини меҳнатдаги буюк ғалаба билан самимий муборакбод этиб юборган табрикномаси бу йилги намойишга алоҳида завқ-шавқ бағишлади.

Тошкентликларнинг КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олишга, КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон деҳқонларн, барча меҳнаткашларини меҳнатдаги буюк ғалаба билан самимий муборакбод этиб юборган табрикномаси бу йилги намойишга алоҳида завқ-шавқ бағишлади.

Қурувчиларнинг колонналари жуда гавжум. Улар кўтариб борган плакатлар ва транспарантлар эришилган муваффақиятларни, келгуси ишларнинг режаларини тасвирлайди. Ҳозир бутун Ўзбекистонни каттакон қурилиш майдони деса бўлади. Янги-янги завод ва фабрикалар барпо этилмоқда, кўп қаватли уй-жой кварталлари қад кўтармоқда. Октябрь колонналарида турли ёш ва касбга мансуб кишилар ўтмоқдалар. Яхши ишлар ва зафарларнинг эстафетасини кекса авлодлан дадил қабул қилиб олаётган шонли Тошкент комсомолининг вакиллари ветералар билан ёнма-ён одим ташлайдилар.


Байрам колонналарининг кети узилмайди. Шаҳар транспорти ва коммунал хўжалик, маиший хизмат, савдо, соғлиқни сақлаш меҳнатчилари, илмий-тадқиқот муассасаларининг ходимлари, алоқачилар — коммунистик меҳнат, юксак маданият, намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳар деб аталиш ҳуқуқини учун курашаётган бутун Тошкент меҳнат аҳли Октябрь олди мусобақасидаги ва съездолди вахтасидаги муваффақиятлари тўғрисида рапорт берадилар.

Қирмизи алвонларда партия билан ҳукуматга меҳнат аҳли тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлик учун астойдил миннатдорчилик сўзлари кўзга ташланади. Шу куни тошкентликлар байрам намойишида КПСС ленинчи Марказий Комитети теварагида жипслашганликларини, Улуғ Октябрь ғояларига, коммунизмнинг порлоқ идеалларига содиқ эканликларини яна бир бор изҳор этдилар.

Меҳнаткашларнинг намойиши тугайди. Кечкурун Ўзбекистон пойтахтининг осмони байрам мушакбозлиги оловлари билан чароғон бўлди.

А. БАРАНОВ,
Ю. КУКАРКИН,
ЎзТАГ мухбирлари.







Тошкентда Улуғ Октябрьсоциалистик революциясининг 63 йиллиги таътаналари. Ж. Тўраев фотолари.

ЛЕНИН НОМИ БИЛАН ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ ОСТИДА

Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларининг аҳолиси Октябрь байрамини зафарбор ишлар билан кутиб олди. Улар ўзларининг меҳнат ғалабаларини ўнинчи беш йилликнинг улкан топшириқларини бажаришга, КПССнинг бўлажак XXVI съездига бағишламоқдалар.

Республика меҳнаткашлари улуғ Ленин ғояларига чексиз содиқ эканликларини умумхалқ байрами кунида яна бир бор намойиш қилдилар. Коммунистик партиянинг ички ва ташқи сиёсатини астойдил маъқулладилар, халқ фаровонлиги тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилаётганликлари учун, тинч осмон остида самарали меҳнат қилиш бахтига мушарраф бўлганликлари учун партия Марказий Комитетига, шахсан Леонид Ильич Брежневга самимий миннатдорчилик изҳор этдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг самимий табрикномаси Ўзбекистон меҳнаткашларининг ижодий кучларини янада жўш урдириб юборди. Ўртоқ Л. И. Брежнев республикамиз меҳнатчиларини ажойиб ғалаба билан муборакбод этди. Улар бу йилги Октябрни ажойиб ғалаба билан кутиб олдилар. Республикамиз пахтачилик тарихида биринчи марта Ватанга олтин миллион тоннадан кўпроқ «оқ олтин» армуғон этди. Байрам тантаналарининг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленумининг қарорларига шонли ишлар билан жавоб беришга, ўн биринчи беш йилликни республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда янги, янада шонли ғалабалар билан нишонлашга шай эканликларини изҳор этдилар.

Тошкент областининг шаҳар ва қишлоқларида эрталабдан бошлаб музика ва қўшиқ садолари янгради. «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг намояндалари индустриал Чирчиқнинг В. И. Ленин майдонига биринчи бўлиб кириб келдилар. Шаҳар химиклари республика деҳқонларига беш йиллик пландан ташқари ҳозиргача 50 минг тоннадан зиёд минерал ўғит бердилар. Ўзбекистон қишин эриидиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг металлургияси ҳам, трансформатор заводининг, Чирчиқдаги бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг ходимлари ҳам пешқадамлар сафида формоқдалар. Ангрен қумирчилари ва энергетиклари, Олмалиқ ва Бекобод металлургияси, Янгийўл озиқ-овқат корхоналарининг ходимлари янгидан-янги муваффақиятларга эришганликлари тўғрисида Октябрга рапорт бердилар. Пойтахт областидаги колхоз ва совхозларнинг пахтакорлари Октябрнинг бу йилги санасини пахта топшириш юзасидан ўз зиммаларига олган оширилган мажбуриятларини бажариш билан нишонладилар.

Намойишчилар **Қорақалпоғистон АССР** пойтахти — Нукус кўчаларига бамисоли ёрқин оқим сингари кириб келдилар. «Қорақалпакирсовхозстрой» территориал бошқармаси бўлинмаларининг колонналари байрам намойишига «Бир миллион тонна «маржарид дон» етиштирилди, беш йиллик план муддатидан илгари бажарилди!» деган рапорт билан келдилар. Улар майдондан кўтариб ўтган плакатлар ва транспарантлар Амударё этакларидаги қўриқ ерларда КПСС XXV съезди қарорларига мувофиқ жадал суръатлар билан шолиполлар барпо этилаётганлиги ҳақида ҳикоя қилади. Қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар, чўлқуварлар дон етиштиришни кўпайтириш юзасидан партия ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли равишда бажариш учун бундан буён ҳам сабот билан кураш олиб боришга сўз бермоқдалар.

Геология разведкачилари байрам кунида ҳаммани қувонтирдилар. Устюртда фонтан бўлиб отилаётган нефтнинг дастлабки хазинаси аниқланди. Платода табиий бойликларни қидириш давом этмоқда.

Самарқандда беш йиллик планларни муддатидан бажарган ишлаб чиқариш илғорлари намойишчиларнинг олдинги сафида бордилар. Колоннаҳар узра фахрли беш бурчак тасвирлари кўп эди: область корхоналари маҳсулотнинг талай қисмини Сифат белгиси билан ишлаб чиқармоқдалар. Намойишчиларнинг сафларида кўплаб бинокорлар бор. Улар шу беш йилликда бундан аввалги беш йилликдагига нисбатан бир ярим баравар кўп капитал маблағ ўзлаштирдилар. Бир неча юз минг квадрат метр уй-жой, ўнлаб мактаб, мактабгача болалар муассасалари, соғлиқни сақлаш объектлари қурилди. Байрам арафасида Самарқанд химия заводида янги технология линияси фойдаланишга топширилди. Бу эса қимматли минерал ўғит-аммофос ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш имконини беради.

Қишлоқ меҳнаткашлари байрамни катта муваффақиятлар билан кутиб олдилар: беш йиллик топшириқлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг барча асосий турлари бўйича бажарилди. Бу йил Самарқанд пахтакорларининг меҳнат ғалабалари йилномасига энг ёрқин саҳифа бўлиб киради: улар биринчи марта 620 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» топширдилар, ҳар гектар ердан олинган ҳосил область бўйича 35 центнерга етди.

Намойишчилар **Бухородаги** Ленин номли майдон минбарлари олдидан кўтариб ўтган кўпгина транспарантларда «КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини меҳнатда янги зафарлар билан кутиб оламиз» шиори ёзилган эди. Беш йиллик планларини муддатидан анча илгари бажарган «Амубухараканалстрой» бошқармасининг, «Бухарагазпромстрой», «Бухараирстрой» трестларининг, трикотаж фабрикаси, бошқа корхона, ташкилотларнинг коллективлари майдондан ўтадилар. Магистрал газ қувурлари қурувчилари, «зангори ёқилғи» қазиб чиқарувчилар, тўқимачилар, қўли гул зардўзлар ва ипакчилар, қоракўл тери пардозчилари Улуғ Октябрга рапорт бермоқдалар. Уларнинг ҳаммаси ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Республика хирмонига қарийб 630 минг тонна пахта етказиб берган область деҳқонлари Ватанни қувонтирдилар. Зарафшон водийси пахтачилиги тарихида бундай мўл ҳосил етиштирилмаган эди.

Майдонда болғар қўшиқлари янграйди. Булар — халқ Болғариясининг вакиллари бўлган бинокорлар совет дўстлари билан биргаликда Октябрнинг 63 йиллигини нишонламоқдалар.

Халқлар дўстлиги ва қардошлиги **Термизда** байрам колонналарининг безакларида асосий мавзулардан бири бўлди. Бу шаҳар Совет Иттифоқи билан унинг жанубий қўшниси — Афғонистон Демократик Республикаси ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда. Дўст мамлакат буюртмасига мувофиқ юк ташиётган Термиз дарёчилари ўз интернационал бурчларини бажара бориб, зардобларча меҳнат қилмоқдалар. Темирйўлчилар дарёчилар билан ягона аниқ маромда ишламоқдалар. Қурувчилар Амударё орқали кўприк барпо этиш ишларини графикда белгиланганидан қарийб бир йил илдам бажармоқдалар. Бу кўприк Совет Иттифоқи билан Афғонистонни автомобиль ва темир йўл билан боғлайди.

Сурхондарё области марказининг ва бошқа шаҳарларининг кўпгина бошқа коллективлари ҳам Октябрь байрамига ғалаба рапортларини билан келдилар.

Фарғона меҳнаткашларининг байрам намойиши Советлар мамлакатида яшаш бахтини, Ленин ишига ихтисмат қилишни акс эттирар эди. Ўзбекистон «дурдонаси» шу куни ёрқин безатилган эди, намойишчиларнинг колонналари узра кўплаб қизил алвонлар ва байроқлар кўтарилган эди. Граждан уруши ва Улуғ Ватан урушининг кекса ветеранлари «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз» деган шиор остида ўтган Октябрь намойишини бошлаб бердилар. Улардан кейин индустриал Фарғонанинг ишчилар гвардияси — нефтни тозаловчилар, химиклар, пахта тозаловчилар, тўқимачилар, саноат объектлари ва уй-жойларни бунёд этувчи бинокорлар майдонга кириб келдилар. Колонналар узра баланд кўтарилган диаграммалар, плакатлар ва транспарантларда фарғоналикларнинг Октябрь байрами меҳнат рапорти кўзга яққол ташланиб турарди; область корхоналарининг коллективлари беш йилликнинг якунловчи йили ўн ойлик программасидан ташқари қарийб, тўққиз миллион сўмлик ҳар хил маҳсулот реализация қилдилар, бир неча юз минг сўмлик хом ашё, материал ва электр энергия тежадилар, маҳсулотнинг янги турларини ўзлаштирдилар.

Октябрь олди мусобақасининг голиби —Наманғандаги шойи газламалар комбинатининг коллективи **Наманган** саноат корхоналарининг колонналари байрам намойишини бошлаб берди. Октябрь намойишига чиққан тўқимачилардан 200 дан кўпроқ киши ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда. Комбинат йил бошидан буён топширикдан ташқари 6 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилди.

Байрам колонналарида машинасозлар, химиклар, озиқ-овқат корхоналарининг ходимлари, шаҳар саноат индустрияси 20 дан кўпрок тармоқларининг вакиллари бор. Булар орасида беш йиллик программасини муддатидан олдин бажарган, КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача ўн биринчи беш йиллик биринчи йилининг квартал планини 71 цех ва бригада номоидалари, ишчилардан икки мингдан кўпрок киши бор эди.

Андижондаги ип-газлама комбинатининг биринчи навбати байрам арафасида **Андижон** мўл пахта ҳосили тасарруфидан дастлабки тонна ип калавасини муддатидан барвақт ишлаб чиқарди. Байрам намойишининг қатнашчилари область марказининг асосий майдонидан кўтариб ўтган ранг-баранг шиорлар, плакатлар, транспарантлар ва диаграммаларда ана шу ва кўпгина бошқа мувафақиятлар ифода этилган. Улар жонажон партиянинг XXVI съездини халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб олишга аҳд қилганликларини изҳор этдилар. Ленинск, Шахрихон, Кўргонтепа, Охунбобоев, Ильич, областнинг барча район марказларида бўлиб ўтган байрам намойишларининг қатнашчилари съезд олди вахтасида эришган муваффақиятлари ҳақида зўр фахр билан рапорт бердилар. Андижон далa меҳнаткашлари ҳам Ватан топшириғини шараф билан адо этдилар. Улар Октябрга муносиб совға туҳфа этдилар: 610 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Бу эса уларнинг шавкатли меҳнати самарасидир.

Қаршида намойишчилар В. И. Ленин номли майдондан байрам алвонлари ва байроқларини кўтариб ўтдилар. Қарши даштлари кашшофларининг колоннаси гавжум эди. Улар бу йилги байрамни ўз бурчларини муносиб адо этган ҳолда кутиб олдилар. Партия XXV съезди қарорлари асосида қўриқ ерларда ташкил этилган совхозлар бу йил мамлакатга 170 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» армуғон этди. Бу эса областда тайёрланган пахтанинг учдан бир қисмини ташкил этади. Байрам колонналарининг безаклари қурувчилар эришган муваффақиятлардан дарак беради. Областда Шўртон—Сирдарё ГРЭСи газ қувури, Китоб бадиий сопол буюмлар заводи, Косон насос станциялари сингари йирик объектлар ишга туширилди, 200 минг квадрат метрдан кўп уй-жой фойдаланишга топширилди.

Социалистик мусобақа пешқадамлари ер ости бойликларини разведка қилувчилар, темирйўлчилар, енгил саноат ходимлари, озиқ-овқат корхоналарининг ходимлари майдондан ўтадилар. Улар партиянинг бўлажак съездини янгидан-янги меҳнат ғалабалари билан кутиб олажакларини айтмоқдалар.

Планларни муваффақиятли бажарган, социалистик мусобақада бир неча бор голиб чиққан саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларининг пешқадам коллективлари **Гулистонда** меҳнаткашларнинг байрам намойишини бошлаб бердилар.

Тикувчилик фабрикаси колоннасининг олдида чиройли кийиб безатилган автомашинада фабрика давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқараётган маҳсулот турлари кўргазмаси кўзга яққол ташланади. Ўнинчи беш йиллик планини муддатидан олдин бажарган ишлаб чиқариш илғорлари майдондан ўтиб боришмоқда. Гулистон ёғ экстракция заводини қуриш ва ишга туширишда топшириқ ва социалистик мажбуриятларни оширib бажаришда эришган муваффақиятлари учун Ватан юксак ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган кишилар бинокорлар сафида формоқдалар. Партия ва халқ иродаси билан зоб бўқ Мирзачўлда вужудга келган Сирдарё областининг қўриқ хўжаликларида ҳам байрам кайфияти ҳукм сурмоқда. Улар бу йил мамлакатни мўл «оқ олтин» ҳосили билан хурсанд қилдилар.

Жиззахда «Джизакстепстрой» территориал бошқармаси бўлинмаларининг колоннаси намойишини бошлаб берди. Чўлқуварлар ўнинчи беш йиллик бошидан буён илгари ҳувиллаб ётган 40 минг гектар ерни қишлоқ хўжалик оборотига киритдилар. Эндиликда бу ерларда нов ариқлар линиялари ўтказилган. Байрам арафасида Жиззах даштида янги совхоз посёлкаларида юзлаб оилалар шинам коттежларга кўчиб кирдилар.

Мирзачўлни ўзлаштириш вақтида меҳнатда чиниққан тажрибали чўлқуварлар Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — Аҳмад Валиев, Тўлан Дадажонов ва бошқалар билан ёнма-ён ёш авлод намояндалари: ака-ука Сервер, Маҳмуд, Энвер ва Серан Сулаймоновлар, Турсунбой Саримсоқова, қўриқ ерни ўзлаштиришнинг дастлабки йилидаёқ 30 центнердан хирмон кўтаришга эришган комсомоллар бормоқдалар. Улар Жиззах даштини яшнаб турган ўлкага айлантириш юзасидан Коммунистик партия билан Совет ҳукумати ўртага қўйган вазифаларни бажаришга шай эканликларини амалий ишлари билан исбот қилмоқдалар.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида Хоразмнинг қадимий диёрида ўсиб берган жуда катта ўзгаришлар **Урганч** меҳнаткашлари колонналарининг байрам либосида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Область саноати юксалиб бормоқда, шаҳарлар ва колхоз посёлкалари янги қурилишлар билан янада обод бўлиб, тобора гўзаллашди. Пахта далаларининг қаҳрамонлари Ватанни янги рекорд ҳосил билан ҳурсанд қилдилар. Съезд олди зарбдор вахтасининг голиблари Туямўйин қурувчилари, мўл ҳосил миришкорлари, озиқ-овқат корхоналарининг ходимлари, тикувчилар, газ магистралининг ходимлари намойишчиларнинг олдинги сафларида бордилар. Уларнинг тантанали юришида янги беш йиллик Ватан шонли шуҳратга йўлида янги шонли меҳнат ғалабаларини келтиришга комил ишонч сезилиб турарди.

Республика областларида Октябрь байрами тўғрисидаги коллектив репортажни ЎзТАГ мухбирлари О. ПАНОВА, П. БАРНАШЕВСКИЙ, Л. ТОКАРЕВ, А. ФОЗИЛОВ, Е. ВЕЛИЧАНСКАЯ, В. ТАТАРИНОВ, Р. БИЧУРИН, У. САКСОНБОЕВ, В. ШУМАЙЛОВ, Ж. СУВАНҚУЛОВ, Л. ДОЛИНАЛАР олиб бордилар.

10 ноябрь—совет милицияси куни



Совет милицияси куни муносабати билан «Планат» машрибида чиқарилган плакат. (ТАСС фотохроникаси).

ОКТЯБРЬ ФАРЗАНДИ

Улуғ Октябрнинг ғалабаси XX асрдаги энг буюк воқеадир. Совет милицияси эса унинг фарзанди ҳисобланади. Чунки, милиция органлари Октябрь революцияси ғалабасининг учинчи куни ташкил этилган. Ана шу ўтган 63 йил мобайнида милиция Октябрь ғалабаларини, социалистик жамоат тартибини сақлаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Партия иродаси, Владимир Ильич Ленин ташаббуси билан ташкил этилган совет милицияси дунёда энг илғор жамиятга, меҳнаткашлар манфаатлари учун садоқат билан хизмат қилиш намунасини кўрсатмоқда. Милиция ходимлари граждалар уруши фронтларида, ағдариб ташланган эксплуататорлар синфи қаршилигини бостиришда ва болалар қароссизлигини тугатишда қатнашдилар. Тиклаш даврида, мамлакатимизни индустриаллаштиришда, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришда халққа ёрдам берди.

Улуғ Ватан уруши йилларида совет милицияси ҳам оғир синовдан ўтди. Республикамиз милицияси ҳам совет милициясининг жанговар ва меҳнат анъаналарини кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшди. Социалистик қурилишнинг барча босқичларида зўр шуҳрат ва обрў қозонди...

Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, гражданларнинг қадр-қимматини қўриқлаш, жиноятларга қарши қатъий курашишдаги фидокорона ишлари билан милиция совет халқининг чуқур ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлди. Партия ва ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор ва ғамхўрлик билан қуршаб олинди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, республика ҳукумати, жойлардаги партия ва совет органларига ички ишлар органларига мунтазам ва кундалик ёрдам кўрсатмоқдалар. Шу боисдан ходимларнинг меҳнат қилишлари ва яшашлари билан боғлиқ бўлган кўпгина мураккаб масалалар ҳал этилмоқда. Ички ишлар органларининг оператив техник имкониятлари ўсмоқда. Буларнинг ҳаммаси ходимларимизни она-Ватанимизга садоқат билан хизмат қилишга илҳомлантирмоқда.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилган ички ишлар органларининг ходимлари КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил сентябрь «Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишни яхшилаш ва ҳуқуқни бузишларга қарши курашни кучайтириш тўғриси»даги ва КПСС Марказий Комитетининг шу йил июнь Пленумида қабул қилган қарорларини амалга ошира бориб, республикамиз ички ишлар органлари шахсий состави жамоат тартибини сақлаш ва жиноятларга қарши курашда маълум натижаларга эришмоқдалар. Бухоро, Жиззах, Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон ва бошқа областларда жиноий ҳаракатлар анча камайди.

Бугунги кунда милиция фаолиятининг асосий йўналиши партиянинг ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш тўғрисидаги программ талабини амалга ошириш бўлиб қолди. Кейинги йилларда милиция органлари системасида ташкил этилган профилактика хизмати бўлинмаларининг роли тобора ошмоқда. Бу хизмат жиноятларнинг олдини олиш бўйича шунингдек, индивидуал профилактик ишларни амалга ошириш соҳасида иш олиб бормоқда. Жиноят ёқасида турган қатор шахслар профилактика хизмати туфайли қайта тарбияланиб, тўғри йўлга солинмоқда. Бундай муваффақиятларга республикамизда ҳуқуқ-тартиботнинг бузилишига қарши курош системали равишда олиб борилаётганлиги туфайли эришилмоқда. Бунинг ташкилий асоси партия, совет, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш органлари, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг мусобақаси кенг авж олмоқда. Ўтган йили бу мусобақада Янгиер шаҳри, Самарқанд областидаги Иштихон райони ва Каттақўрғон шаҳри, Фарғона педагогика институти, Андижон область Пахтаобод районидаги «Маданият» пахтачилик совхози ва бошқа ўнлаб районлар, аҳоли пунктлари, саноат корхоналари, колхоз, совхозлар, ўқув юртлари мусобақа голиби бўлдилар.

Ҳуқуқ-тартиботнинг бузилиши олдини олишнинг таъсирчан формаларидан бири яшаш жойларидаги жамоат тартибини сақлаш пунктлари бўлиб қолмоқда. Ҳозир республикамизда бундай пунктлар 2 мингдан ортади.

Ўзбекистон милициясининг жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбияланган ходимларимиз ўз бурчларини бажаришда кези келганда жонларини ҳам аямайдилар. Шу йилнинг 10 июнида Сурхондарё область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бўлими милиция кичик сержанти Розиқ Соатов вафотидан сўнг «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланди. У қуролланган хавфли жиноятчи билан яккамаяккка олишиб, жиноятчи унга қаттиқ жароҳат етказганига қарамасдан курашни давом эттириб, уни қуролсизлантирган ва жиноятчини қўлга чиқармаган.

Шу йилнинг ўзида хизмат вазифасини бажаришда кўрсатган фидокорлиги ва жасорати учун ходимлардан тўққиз кишига СССР орден ва медаллари берилди. 3 мингга яқин киши «Нукусонсиз ишлагани учун» медалига сазовор бўлди. Кўпгина ходимлар «Ички ишлар министрлиги хизмат кўрсатган ходими», «Совет милицияси аълочиси» ва бошқа нишонлар билан тақдирланди.

Ишимиздаги ижобий натижаларни кўрсатиш билан бирга, биз ўз камчиликларимизни ҳам тан олишимиз лозим. Совет кишилари социалистик қонунчиликка онгли равишда риоя қилаётган бўлсаларда, баъзан орамизда жамоат тартибини бузаётган шахслар ҳам учраб турибди. Шунинг учун социалистик турмуш қоидаларини бузаётган бундай шахсларга қарши жиддий кураш олиб бориш бугунги кундаги муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Ҳеч шубҳа йўққи, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқига асосан ўз иш услубн ва методларини такомиллаштира бориб, қонунларимизга таянган ҳолда республикамиз Ички ишлар министрлиги барча бўлинмалари ходимлари бундан буён ҳам ўз ишлари самарадорлигини оширишга эришадилар.

Ташкилий ишда янги тажриба билан бойиётган, жамоат тартибини сақлашнинг барча органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳаракат қилаётган республикамиз ички ишлар органлари ходимлари бундан буён ҳам Улуғ Октябрь ғалабаларини мустаҳкамлаш, СССР Конституциясида гарантияланган совет гражданларининг ҳуқуқ, манфаатларини сақлаш учун бутун куч ва имкониятларни ишга соладилар. Шу тариқа партиямизнинг XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини ёруғ юз билан қарши оладилар.

Қ. ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон ССР ички ишлар министри.

УЛУҒ ОКТЯБРГА САЛЮТ

7 ноябрь куни Москванинг оқшомги осмонини байрам артиллерия салюти чароғон этди. Советлар мамлакатининг пойтахти Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига тўплардан ўттиз марта ўқ узиб салют берди.

Умумхалқ байрамини нишонлаш юзасидан иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одесса, Новороссийск, Керчь, Тула, қаҳрамон қалъа Брестда, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Свердловск, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Североморск шаҳарларида салют берилди. (ТАСС).

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШЧИГА МУКОФОТ

КПСС Марказий Комитети АҚШ Коммунистик партиясининг Бош секретари Гэс Холлга табрикнома йўллади. Табрикномада Гэс Холл 70 ёшга тўлиши муносабати билан унга самимий қутлов сўзлари айтилган.

СССР Олий Совети Президиуми тинчлик ва социал тараққиёт учун курашдаги хизматлари, Америка ва совет халқлари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик ишига қўшган ҳиссаси учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Г. Холлни Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлади.

(ТАСС).

МАЛИ ДИЁРИДА САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

БАМАКО, 5 ноябрь (ТАСС). Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги муносабати билан Мали Республикаси пойтахтида Ўзбекистон иштирокида Совет Иттифоқи кунлари бошланди. Бамако аҳолиси СССРдан келган меҳмонларни — чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамоатчилиги союзининг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева бошлиқ делегациясини, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети секретари Б. Даулаиов бошлиқ совет ёшлари делегациясини меҳмондўстлик билан кутиб олди.

Делегациядан бир гурух ўзбек артистларининг катта бир группаси Бамакога келди. Улар малиликларни ўз республикасининг санъати билан таништирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси 11 ноябрь куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари 10 ноябрь эрталаб соат 10 дан кечқурун соат 19 гача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг биносида, 11 ноябрь куни эса эрталаб соат 9 дан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида рўйхатга олинадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Оқсоқоллар кенгашининг мажлиси 11 ноябрь куни эрталаб соат 9 дан 30 минут ўтганда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида ўтказилади.

МЕҲНАТ ЖАСОРАТИ УЧУН ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

Ўрта Осиё темир йўлининг кўп минг кишилик коллективи Улуғ Октябрнинг 63 йиллигини шонли меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олди. Беш йилликнинг якунловчи йили бошланганидан буён пландан ташқари бир миллион тоннадан ортиқ халқ хўжалик юклари ташилди. Айниқса учинчи квартална иш долзарб бўлди. Пахта йиғим-терими авж олган пайтда транспорт конвейери аниқ ва узлуксиз ишлаб турди. Ана шу уч ой мобайнида топшириққа қўшимча суратда кўп минглаб тонна пахта, минерал ўғит ташиб берилди.

Темирйўлчиларнинг зарбдор меҳнати юксак мукофот билан тақдирланди. — Бутуниттифоқ социалистик мусобақа якунларига кўра, учинчи квартална магистрал коллективи яна, учинчи марта сурункасига голиб деб топилди ва коллективга СССР Йўллар министрлиги ва тармоқ касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди.

6 ноябрь куни коллективга ана шу юксак мукофот топширилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Байроқни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин топширди.

Йиғилиш қатнашчилари беш йилликни муваффақиятли тугаллаймиз, йил охиригача топшириқдан ташқари яна 100 минглаб тонна халқ хўжалик юклари ташиб бериб КПССнинг XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб оламиз деб ваъда бердилар.

(ЎзТАГ).

ВАЪДАГА ВАФО

«Ўзбекистон ССРда... ип-газлама комбинати барпо этилсин».

(1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг КПСС XXV съездида қабул қилинган асосий йўналишларидан).

АНДИЖОН ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

АНДИЖОН. Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги байрами арафасида, норматив муддатидан бир йил барвақт Андижон ип-газлама комбинати биринчи навбатининг машиналаридан тайёр маҳсулот — янги ҳосил пахтасидан калава олина бошланди. Бош пудратчи — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 162-трестнинг, ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг коллективлари, буюртмачи — республика Енгил саноат министрлигининг вакиллари беш йилликнинг якунловчи йилига қабул қилинган қўшма социалистик мажбуриятни шараф билан бажардилар. Улар тўқимачилик тармоғидаги икки энг катта объект — Андижон ва Бухородаги йигириш фабрикалари қурувчиларининг мусобақаларида голиб чиқдилар.

Ҳозирдаёқ калава бераётган биринчи технология линиясида ёшлардан беш юз киши иш жойларига чиқдилар. Улар йигирувчи, тароқлаш машиналарининг оператори ва бошқа касбларга олдиндан ўргатиб қўйилган эди. Уларни Иваново, Олмаота, Бухоро ва Тошкентдаги энг яхши мураббийлар маҳоратга ўргатдилар.

Андижондаги улкан тўқимачилик корхонасини барпо этишда бутун мамлакат ёрдам берди. Минглаб кўпроқ завод бу ерга асбоб-ускуна ва материаллар, «машина ва приборларни юборди. «Союзмонтажлегмаш» Новосибирск бошқармасининг бригадалари монтаж ишларида жуда яхши меҳнат қилдилар. Улар ҳозирдаёқ 300 дан кўпроқ ҳар хил мураккаб техникани ўрнатиб қўйдилар. Қурувчилар эса деярли ҳамма ишларда нормаларини оширib адо этдилар.

Комбинат ёнида «Тўқимачилар шаҳарчаси» — янги микрорайон қад кўтармоқда. Бу ерда ҳозирдаёқ дастлабки уйларга одамлар кўчиб киришди, савдо маркази очилди. Қурилиш комплексида маданият саройи ва спорт комплекси, болалар муассасалари бор.

Ҳозир қурувчилар янги майдончаларга ўтмоқдалар — улар йигирув фабрикасининг ёнида тўқув фабрикасини барпо этмоқдалар. Айни вақтда Андижон областининг районларида янги корхонанинг бешта филиали бунёд этилмоқда. Улар КПСС XXVI съезди очилишигача ишлай бошлайди. Тўқув фабрикаси ишга туширилгандан кейин пардозлаш корхонаси қурила бошлайди.

Андижон комбинатининг биринчи навбати йилига 7 минг тонна калава ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ана шунча калава 70 миллион метр ип-газлама тўқиб чиқариш учун кифоя қилади. Корхонанинг ҳамма хизмат бўлимлари ва филиаллари қурилганидан кейин йилига 105 миллион метр газлама ишлаб чиқариладиган бўлади.

(ЎзТАГ).

Чудная ғалабаси

Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институтига қарашли «Красний водопад» экспериментал базасининг машинада сут соғиш оператори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. И. Чудная Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги шарафига ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятини муваффақиятли бажарди. У йил бошидан бери ўзига бириктирилган 172 та сигирдан 715 тонна сут соғиб олди.

Машҳур сут соғувчи КПСС XXVI съездини меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонлашга интилиб, беш йилнинг якунловчи йилида 820 тонна сут соғиб олишдан иборат янги маррани белгилади. Бу ўтган йилдагидан 12 тонна кўпдир.

(ЎзТАГ).

БУЮК МЎЪЖИЗА

Қадимийлигидан ёшини билмайдиган инсоният тарихи фонида олтмиш уч йил бир дақиқадек гап. Аммо қаҳрамон халқимизнинг тинимсиз кураши ва ғайратли меҳнати билан бу йилларнинг салмоғи ўтмишдаги асрлардан кўра мазмунлироқ.

Совет ҳокимияти йилларида эришган ютуқларимизнинг бутун салобати ўтмиш билан таққосда ёрқин намоён бўлади. Мисолни истаган совет кишиси ҳаётидан олиш мумкину, бу сафар Ўзбекистонимиз тарихига бир назар ташлайлик.

Инқилобдан аввал саноатнинг савияси шундай бўлганки, игнаю мих ҳам аллақаерлардан келтирилган, тикув машинаси эса, топилмас матоҳ эди. Бугунги кунда саноатининг барча тармоқлари замонавий тарзда тараққий топган диёр бу. Меҳнатсевар ишчилар синфининг автографидек биқинига Тошкент заводларининг муҳри босилган, пўлати Бекободда қуйилган машиналар фақат мамлакатимиз бағридагина эмас, унинг сарҳадларидан ташқарида ҳам ҳайқириб ишлаб турибди. Ангрен кўмири берган ҳароратга Сирдарё ГРЭСининг қуввати қўшилиб кетган.

Заминимиз қатламларидан топилган бойликлар саноғи билан Менделеев жадвалини ўрганиш мумкин. Агар жаҳон миқёсида пулнинг қадри олтин билан ўлчанадиган бўлса, ўша олтиннинг энг тозасини, арзон ва қулай қазиб олиш жойлари, йўллари ва имкониятларини топиб берган ҳамда уни амалга оширган ватанпарварлар хизмати мамлакат олтин запасининг мўл бўлишида қанчалик муҳим эканлигини тасаввур қилинг-а? Мамлакатимиз хазинасини шунчалар бойитиб берган халқимизнинг доно фарзандлари кўкрагида меҳнатига муносиб олтин медаллар энг юксак мукофот ва эл ташаккурининг рамзи бўлиб чиройли ярашиб ялтираб турибди.

Бугунги дунё нефть ва газнинг қадрини яхши билади. Бу нодир бойликлари бор мамлакатлар атрофида йирик капиталистик давлатлар жавоб ҳидига интилган кучукдек ўралашиб юрибди. Нефтга бой мамлакатларни гоҳ алдаб, гоҳ сурбетлик билан уларга суйкалиб, гоҳ қурол билан таҳдид қилиб бўлса ҳам қувурни ўз манфаати майдонига буриб олиш — капитализм дунёсининг асосий мақсади.

Социалистик дунё эса, ўзига тўқ оила. Тюмень, Боку, Туркманистон, Татаристон, Бошқирдистон каби ўнлаб марказларда нефть ва газ булоқлари шарқираб оқиб турибди. Мамлакатимизнинг шу катта хазинасига Ўзбекистон нефти-ю, Бухоро — Урал газ қувури ҳам келиб қўшилади. Буларнинг барчаси ўзимизга етиб ортиб, яна дўст қўни-қўшнини ҳам меҳмон қилишга етарли.

Мен дунёнинг кўп мамлакатларида бўлганман ва она-Ватанимиз ҳақида бир неча бор тўлқинланиб ҳикоя қилганман. Чет элликлар кўпинча сўрашади: ер ўша, қуёш эскидек, тоғлар ўша, дарёлар ўша, тилларинг ўша, аммо ҳосилларинг инқилобдан аввалги давр билан солиштирса, ер билан осмондек фарқ қилади. Сабаби нимада? Сабаби инқилобда, инқилоб тарбиялаб етиштирган янги авлодда, деб жавоб бераман. Ҳа, шундай.

Чунки, Совет ҳокимияти йилларида содир бўлган улкан маданий инқилоб саноатга ҳам, қишлоқ хўжалигига ҳам улкан кўмакчи бўлди. Ҳозирги қишлоқ меҳнаткашига ҳамма ёрдамчи: геолог ерини тадқиқ қилиб беради, инженер машинасини мукаммаллаштириш ҳақида қайғуради, электрик уни энергия билан таъминласа, агроном деҳқонларга маслаҳатчи, селекционер сортнинг яхшисини топиб берса, кимёгар ғўзани қуртдан тозалаб беради. Энг қизиғи шундаки, шунча соҳанинг билими баъзан бир кишида — қишлоқ коммунистида ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам айтаманки, ҳа, ўша замин, ўша сув, ўша тил, ўша эл, аммо одами ўзгарган. Унинг одамини Улуғ Октябрь, Ленин, Коммунистик партия тарбиялаб вояга етказган.

Тарбия деганда замондошимизнинг фақат билимини айтаётганим йўқ, онгини, дунёқарашини айтяпман, меҳнатга муносабатини кўзда тутяпман. Одамгарчилигининг чиройлилигини айтмайсизми! Яна қайси бир хусусиятини санай: ватанпарварлигию гуманизмини, қаҳрамонлигию интернационализмини, партиявийлигию коммунизмга эътиқодини?

Ҳаётдаги бу улкан ўзгаришлар ҳамма соҳада ўз таъсирини ўтказмоқда. Биз уларга шундай ўрганиб кетганмизки, ҳатто етарлича эътибор қилмаймиз. Энг мангу, кам ва секин ўзгарувчи нарса — тил бўлади. Назар солинг-а, тилда ҳам ҳозир қанча ўзгариш бор. Илгари «деҳқон» деган бир сўз бор эди-ю, унинг синоними чоракор, капсанчи, қарол кабилар эди. Бугунги кунда «деҳқон»нинг синоними колхозчи, агроном, механизатор, пиллакор, соғувчи, чорвадор, чўлқувар, ғаллакор...

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бугунги парвозимиз, айниқса, пахтачилик мисолида яққол кўринади. Илгари ерни таноб билан, ҳосилни эса қадоқ билан ўлчардик. Мана шу илгари қадоқ билан ўлчанган пахтадан энди олти миллион тоннадан мўл, бўйи осмонга етган хирмон ясатган пахтакор меҳнат масштаби ва қаҳрамонлигининг буюклигини таърифлаб қиёмига етказиш қийин.

Куни кеча азиз устоз ва меҳрибон раҳбаримиз Л. И. Брежнев ҳосил тўйимизга юборган табригида жуда тўғри айтди: «Пахтакорлар зўр мақтовга сазовор. Ҳосил учун курашнинг ҳамма босқичларида уларнинг фидокорона меҳнати, юксак маҳорати, ишларни аниқ ташкил этиши янги катта муваффақият билан якунланди».

Энг муҳими шундаки, бу қимматли хом ашё ҳосили республикамиз тарихида биринчи марта шу миқдорга етди. Халқимиз келажакда янги, янада юксак чўққиларни кўзлайди.

Маданият соҳасидаги худди шундай таққос улуғ инқилобимизнинг аҳамиятини янада равшан кўрсатади. Илгари қўл қўйишни билмаган одам бармоқ босган. Архивларда ҳали-ҳали шундай эски ҳужжатлар учрайди. Бугунги авлод ёппасига саводли. Агар инқилобдан илгари олий маълумотли одамни топиш қанчалик қийин бўлган бўлса, ҳозир саводсиз одамни орамиздан ахтариб топиш ундан ҳам қийинроқ.

Ўзбекистон улкан фан ва маданият диёри сифатида оламаро машҳурдир. Ижодкор зиёлиларимиз ўзларининг энг яхши асарлари билан совет турмуш тарзини оламга кўз-кўз қилмоқдалар, партиямизнинг тинчлик сиёсатини зўр бериб тарғиб қилмоқдалар.

Октябрь инқилобининг энг буюк самараси бўлмиш социалистик тузум жаҳонда тинчликнинг энг мустаҳкам гарантиясидир. Партиямизнинг донолиги билан совет халқи мана, ўттиз беш йилдан ошдики тинч ва яратувчи меҳнат билангина банд.

Бу сиёсат бутун тараққийпарвар инсониятнинг орзуумидини ифода қилади. Бунга ўхшаш минглаб мисолларда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг оламшумул аҳамияти ёрқин намоён бўлади. Буларнинг барчасини умумлаштириб, илғор инсоният бизнинг ҳаётимизни, парвозимизни, бахтимизни мўъжиза деб атади. Бу тарихнинг илк сатри Октябрь инқилобидир.

Инсоният тарихи умрини асрлар билан ўлчайди. Мана ҳозир XX асрнинг ҳам бешдан тўртини яшаб қўйдик. Яшаётган асримизнинг ҳам, кўп асрли инсоният тарихининг ҳам асосий қонуниятини белгилаганда бизнинг озод ва фаровон ҳаётимиз, унинг мантиқий давоми бўлган коммунизм инсониятнинг энг эзгу орзуси эканлиги маълум бўлади. Зероки, кишилик узоқ асрлар давомида изланиб, шу идеални топди, уни амалга ошириш ва унга эришиш учун жон олиб, жон бериб курашди. Ва, ниҳоят, инсониятнинг бахти бор авлоди бизнинг асримизда бу саодатга мушарраф бўлди. XX асрнинг олтмиш уч йиллик тарихи инқилобнинг ғоялари нуридан мунаввар. Улуғ Октябрь социалистик революцияси инсоният тарихининг энг буюк мўъжизасидир.

Лазиз ҚАЮМОВ,
Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ

Йил бошидан буён Кировобод (Озарбайжон ССР) алюминий заводида пландан ташқари ишлаб чиқарилган олтингугурт кислотасидан минглаб тонна минерал ўғит ишлаб чиқариш мумкин. Корхонада ташкил қилинган табиатни муҳофаза қилиш бюросининг активлари чиқиндиларни утилизация қилишга эришиб, кўплаб хом ашёни ишлаб чиқаришга қайтардилар. Ундан комплекс фойдаланиш атроф муҳит ҳолатига ижобий таъсир ўтказди.

ЮКСАК МАЖБУРИЯТ

КУЙБИШЕВ. Область нефтчилари КПСС XXVI съезди шарафига ўз зиммаларига олган оширилган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар. Йил бошидан бери планга қўшимча равишда 100 минг тонна нефть қазиб олинди. Нефть қазиб олиш жараёнлари комплекс равишда автоматлаштирилганлиги, илғор методлар жорий этилганлиги натижасида шундай муваффақиятга эришилди. «Куйбишевнефть» бирлашмасининг коллективи йил охирига-ча камида 20 минг тонна қимматбаҳо хом ашё қазиб чиқариш мажбуриятини олди.

РОССИЯ МАРКАЗИДА УЗБЕК ЧОЙХОНАСИ

ИВАНОВО ОБЛАСТИ. Доимо саёҳатчилар билан гавжум бўладиган Иваново-Плёс магистралида очилган «Баҳор» чойхонасида меҳмонлар зўр илтифот билан кутиб олинади. Бино «Узбекистон» совхози территориясида қад ростлаган. Суратларда: чойхонанинг ташқи ва ички кўриниши.

(ТАСС фотохроникаси).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

10—16 НОЯБРЬ

10 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ўрмон паҳлавони ҳақида қисса. Бадиий фильм. 11.20 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.20 — Телестадион. 16.50 — Қурувчилик касби ҳақида. 17.20 — Адабий ўқиш. 17.50 — Рус ва Совет куйларининг танланган саҳифалари. 18.30 — Сиз яратган боғ. 19.00 — Коммунистлар ҳақида ҳикоялар. 19.30 — Футбол шарҳи. 20.00 — Халқ оҳанглари. 20.15 — Бугун — Совет милицияси куни. 20.30 — А. А. Блок туғилган куннинг 100 йиллигига. 21.30 — Время. 22.15 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Совет милицияси кунига бағишланган концерт. 24.00 — Дунё воқеалари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

18.35 — Қўғирчоқ фильм. 18.45 — Камалак. 19.15 — Бугун — Совет милицияси куни. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёшлик. 20.30 — Ахборот. 20.50— Мақом тароналари. 21.30 —Время. 22.15 — Дала ишлари кундалиги. 22.30 — Бева хотин учун совға. Кинокомедия. 23.35 — Бугун оламда нима гап?

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Врач экрани. 20.55 — Ўқитувчилар учун консультация. 21.25 — Физика. 22.25 — Телевизион новеллалар театри.

11 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Мультфильмлар. 10.40 — Урушсиз ўтган йигирма кун. Бадиий фильм. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Меҳнатинг — иқболинг. 16.15 — ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театри ёш солистларининг концерти. 17.10 — Жонажон табиат. 17.30 — Ангола Халқ Республикасининг миллий байрами. 18.50 — Ўсмирлар ижоди. 18.30 — Инсон ва қонун. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — Совет милицияси кунига бағишланган концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо».

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

18.20 — Қўғирчоқ фильм. 18.40 — Тенгдош. 19.10 — Миллионлар ленинча университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ижод гулшани. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Ишга тушириладиган объектлар — сафга. 22.35 — Кино оламида.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Эстетика асослари. 21.05 — Реклама. 21.25 — Назарий механика. 22.25 — Милициядаги ходиса. Бадиий фильм.

12 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 —Гимнастика. 10.15 — Мультфильм. 10.35 — Киносаёҳатчилар клуби. 11.35 — Халқ ижоди. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 —Илмий-оммабоп фильм. 16.10 — Рус тили. 16.40 — Горнчилар қаердасиз! 17.10 — Финляндия бўйлаб. 17.30 — РСФСР давлат духовой оркестри ижро этади. 18.00 — Биз БАМни қуряпмиз. 18.30 — Экран дўстларни чорлайди. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Эстония ССР телевидениесининг программаси. 21.30 — Время. 22.15 — Катталар учун контроль иш. 23.15 — Дунё воқеалари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Биз Октябрь болалари. 12.30 — Ботаникадан ўқув кўрсатуви. 13.00 — Бева хотин учун совға. Кинокомедия. 18.20 — Қўғирчоқ фильм. 18.30 — Қувноқлар даврасида. 19.00— КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорлари — ҳаётга. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Истиқбол йўли. Бадиий фильм. 23.35 — Бугун оламда нима гап?

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Француз тили. 20.55 —КПСС XXVI съезди олдидан. 21.25— Олий математика. 22.25 — Чегарадаги сокинлик. Бадиий фильм.

13 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Горнчилар қаердасиз! 10.45 — Полвон ва масхарабоз. Бадиий фильм. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Юность. 16.40 — Н. Погодиннинг В. И. Ленин ҳақидаги трилогияси. 17.10 — Шахмат мактаби. 17.40 — Орлёнок. 18.20 — Миллионлар ленинча университети. 18.55 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Оптимистик трагедия. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.15 — Телевизион викторина. 23.15 — Дунё воқеалари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Балиқчилик ва балиқ бойликларини муҳофаза қилиш. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — Шеърият дафтаридан. 13.20 — Истиқбол йўли. Бадиий фильм. 18.20 — Янгра, қўшиғим. 19.00 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёзувчи ва замон. 20.30 — Ахборот. 20.50 — КПСС XXVI съездига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. Украина телевидениесининг программаси. 21.30 — Время. 22.15 — Украина телевидениесининг программасининг давоми.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Инглиз тили. 20.55 — Эстетика асослари. 21.35 — Химия. 22.35 — Қизлар. Бадиий фильм.

14 НОЯБРЬ, ЖУМА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Фильм-концерт. 10.25 — Оптимистик трагедия. Бадиий фильм. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.40 — Давлат ва революция. 16.10 — Шостакович номли квартет чалади. 16.40 — Ёш спортчининг катта майдони. 17.10 — Подмосковье учрашувлари. 17.40 — Усталар шаҳри. Бадиий фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Жасорат. 20.00 — СССР халқ артисти Н. Ткаченко ижросида романслар. 20.30 — Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари. 20.45 — Даҳшатли тун. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.15 — Эрмитаж. 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — 1980 йил қўшиқлари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Бойчечак. 12.30 — Яшаш учун кураш ва табиий танлаш. 13.00 — Ҳужжатли фильм. 13.10 — Ёшлик. 13.40 — Замондаш. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — Партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўзбекистон Композиторлар союзининг пленуми. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон Композиторлар союзи пленумининг давоми. 21.30 — Время. 22.15 — Бугун оламда нима гап? 22.45 — Эртага премьера.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Немис тили. 20.55 — Сарой таклиф қилади. 21.25 — Чизма геометрия. 22.25 — Музли зулматни ёриб. Бадиий фильм.

15 НОЯБРЬ, ШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Буратино кўргазмаси. 10.45 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.15 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 11.45 — Концерт. 12.25 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 12.55 — Жаҳон халқлари ижоди. 13.25 — Спортлото. 13.40— Ҳужжатли фильм. 14.30 —Эрмитаж. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Болалар учун фильм. 16.40 — Ҳамдўстлик. 17.10 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 17.40 — Ҳайвонот оламида. 18.40 — Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 19.10 — Мультфильмлар. 19.35 — Фильм-концерт. 20.20 — Хусусий шахс. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.15— Останкино концерт студиясида спортчилар билан учрашув. 00.15 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Телевизион миниатюралар театри. 10.55 — Сўз кетидан сўз келар. 11.15 — Ўзбекистон спорти. 11.45 — Концерт. 12.25 — Мени топ, Лёня. Бадиий фильм. 13.40 — Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида. 14.25 — Актерлар ва роллар. 18.15 — Мультфильм. 18.25 — Санъат ғунчалари. 18.55 — Озод Вьетнам «Ялла» ансамблини олқишламоқда. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50— Концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.30 — Назм ва наво.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.15 — Душанба кўрсатувлари.

16 НОЯБРЬ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Зарядкага сафланинг. 10.10 — Концерт. 10.40 — Будильник. 11.10 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.10 — Здоровье. илмий-оммабоп программаси. 12.55 — Тонгги почта. 13.25— Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 13.40 — Қишлоқ янгиликлари. 14.40 — Музикали киоск. 15.10 — Бонивур қалби. Бадиий фильм. 1-серия. 16.15 — Ҳужжатли фильм. 16.40 — РСФСР да хизмат кўрсатган артист И. Бржевская куйлайди. 16.50 — Киносаёҳатчилар клуби. 17.50 — Мультфильм. 18.10 — Халқ оҳанглари. 18.25 — Халқаро панорама. 19.10 — Хусусий шахс. Бадиий фильм. 2 ва 3-сериялари. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Шахтёр» — МАСК. 23.35 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Ўзбекистон Композиторлар союзининг пленуми. 10.50 — Шахмат мактаби. 11.20 — Кузнинг иссиқ тошлари. 11.35—Мультипанорама. 12.05 — Қувноқ стартлар. 13.05 — Мен сизни севардим. Бадиий фильм. 14.30 — Инсон ва қонун. 15.00—Реклама. 18.20 — Қўғирчоқ фильм. 19.00 — Фонарик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Миниатюралар театри. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Эстрада программаси.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.30 — Фрунзе кўрсатувлари.

САМАРҚАНД НЕЪМАТЛАРИ

Самарқанд области боғбон ва соҳибкорлари эл дастурхонини ноз-неъматлар билан безашга, маъмур ва тўкин-сочин қилишга тобора кўпроқ ҳисса қўшмоқдалар. Бу ишда мева, узум ва сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилган хўжаликларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Самарқанд область филиали боғ ва токзорларида ҳам ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирилди. Боғбон ва соҳибкорлар ҳосилни тезкорлик билан йиғиштириб олмоқдалар. Яқинда филиал боғбонлари ўнинчи беш йиллик планларини муддатидан илгари ошириб бажардилар. Беш йилликда эл дастурхонига 10 минг тонна ўрнига 10200 тонна мева етказиб берилди. Узум сотиш плани ҳам оширкб бажарилди.

Боғбонлар планга қўшимча яна 600 тонна узум топшириш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

* * *

Самарқанд районидаги «Олмазор» боғдорчилик совхози боғбонлари зафар қучдилар. Эл дастурхонига 3100 тонна мева етказиб берилди. Совхоз миришкорлари бу ғалабага ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришдилар. Совхоз боғларида пишиб етилган олма, нок, беҳи каби мевалар Узоқ Шарқ, Сахалин, Ленинград Москва ишчиларига, БАМ қурувчиларига ҳам етказиб берилмоқда.

* * *

Самарқанд районидаги колхозлараро мева-сабзавотларни қайта ишлаш бирлашмасининг ишчи-хизматчилари КПСС XXVI съезди шарафига бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилиб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар мева ва сабзавотлардан тайёрланган консерваларни реализация қилиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Пландаги 1 миллион 500 минг банка ўрнига 1 миллион 525 минг банка консерва тайёрланди.

А. Абдужабборов бошлиқ консерва цехининг ишчилари социалистик мусобақада пешқадамлик қилишмоқда. Илғор ишчилардан Азиза Умарова, Маҳбуба Файзиева, Дилором Ражабова, Маъзуна Орипова мусобақа ғолиби бўлишяпти.

Бирлашма ишчилари шу кунларда мажбурият ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.
Н. ЗАЙНИЕВ,
Самарқанд район «Шарқ тонги» газетаси редактори.

ҲАР ТЎҒРИДА

ЭРТАКЧИ ЛАМПА

Будапешт шаҳрида болалар эртаклари мазмунини акс эттирувчи лампочкалар ишлаб чиқарила бошланди. Бундай лампочкалар ёқилиши биланоқ кино экранидагидек эртак қаҳрамонлари намоён бўлади. Ҳозирда улардан бир неча минги чиқарилди.

ЭНГ УЗУН КЎЧА

Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес ўзининг узун ва тўғри кўчалари билан машҳур. Чунончи XIX аср йирик давлат ва сиёсий арбоби Ривадавия номи билан аталувчи кўча бошидан охиригача 37 километр бўлиб, унда шаҳарнинг 100 квартали ҳамда ўн минглаб муҳташам бинолар жойлашган.

КИНОТЕАТРЛАР ЁПИЛМОҚДА

Италияликлар ўрта ҳисобда йилига саккиз марта, французлар 4, инглизлар фақат икки мартагина кинотеатрга боришар экан. Германия Федератив Республикасидаги кинотеатрларга 1960 йили 605 миллион, 1978 йилда 115 миллион томошабин тушган. Шу давр мобайнида мамлакатда 3860 та кинотеатр ёпилган.



ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК БЎЛГАЧ...

Чорток пахта заводи меҳнаткашлари ўзларининг ёрдамчи хўжаликларидан ҳар куни янги соғилган сут ола бошладилар. Бу ерда 29 бош қорамол боқилмоқда. Пахта тозаловчиларнинг маҳсулот «цехида» лимонзор ҳам бўлиб, витаминга бой бу мева шу йил мўл ҳосил берди.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 НОЯБРЬ,

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

8.50 — Янгиликлар. 9.10 — Қалбга яқин қўшиқлар. 10.00 — Саноат ва қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари — 1980 йилги СССР Давлат мукофотлари лауреатлари. 11.00 — АБВГДейка. 11.30 — Спортлото. 11.45 — Ғолиблар. 13.00 — Фан ва техника соҳасида 1980 йилги СССР Давлат мукофотлари лауреатлари. 13.45 — Қувноқ нотачалар. 14.45 — Киносаёҳатчилар клуби. 15.45 — Қўшиқ инсон билан қолади. 16.30 — Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида 1980 йилги СССР Давлат мукофотлари лауреатлари. 17.30 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов сўзи. 18.00 — Музикали фильм. 19.15 — Мультфильм. 19.20 — Чин қалбдан. 21.30 — Время. 22.15 — Даврани кенг олинг. 00.05 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Фильм-концерт. 10.35 — Биз Октябрь фарзандлари. 11.05 — Қўлга тушмас қасоскорлар. Бадиий фильм. 12.20 — Ҳужжатли фильм. 17.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 18.50 — Мультфильм. 19.00 — Экранда — хоразмлик ёш талантлар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Оламга саёҳат. 21.30 — Время. 22.15 — Эстрада программаси. 23.05 — Телефильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.30 — Душанба кўрсатувлари.

9 НОЯБРЬ,

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Зарядкага сафланинг! 10.15 — Халқ оҳанглари. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 12.00 — Поэзия. 12.45 — Тонгги почта. 13.15 — Қишлоқ янгиликлари. 14.15 — Музикали киоск. 14.45 — Москванинг чет эллик меҳмонлари. 15.05 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 16.05 — Социалистик мамлакатлар бадиий коллективларининг концерти. 17.00 —Халқаро панорама. 17.45 — Мультфильмлар. 18.10 — Терговни билимдонлар олиб боради. 20.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. 21.45 — Время. 22.15 — Оперетта кечаси. 23.20 — Ҳужжатли фильм. 23.50 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Тонгги концерт. 10.50 — Қўлга тушмас қасоскорларнинг янги саргузаштлари. Бадиий фильм. 12.10 — Қувноқ стартлар. 13.10 — Мультфильм. 13.20 — Ўзбекистон ёзувчиларининг VIII съездининг қатнашчилари сўзлайдилар. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Бойчечак. 19.00 — Ахборот. 19.15 — Цирк, цирк, цирк. 20.00 — Ахборот. 20.20 — СССР халқ артисти Зайнаб Хонларова куйлайди. 21.45 — Время. 22.15 — Мафтунингман. Музикали комедия.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

РАДИО

8 НОЯБРЬ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Янги музикали ёзувлар. 9.15 — Табассум. 11.30 — Шу куннинг қўшиқлари. 13.00 — Чорвадорлар, Сизлар учун. 13.30 — Хатларингизни ўқиб.. 15.00 — Олис масофаларда ва мураккаб шароитларда хизмат қилаётган гидрометеостанциялар ходимлари учун эшиттириш. 16.00 — Мирмуҳсиннинг «Чотқол йўлбарси» романи асосида радиопостановка премьераси. 1-қисм. 18.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Зенит» (Ленинград). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб эшиттирилади. 19.25 — Қўшиқ шинавандалари — студиямиз меҳмони. 20.15 — Музикали совғалар. 21.00 — Э. Воҳидов. Қуёш маскани поэмаси асосида радиокомпозиция. 21.30 — Халқ талантлари куйлайди. 22.30 — Санъат усталари — пахта усталарига. 23.15 Эстрада концерти.

9 НОЯБРЬ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Лирик концерт. 9.15 — Табассум. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Республика ёрдамчи хўжаликларида. 13.30 — Танишинг, Қозим Қаюмов. 14.00 — Келгуси йил мўл ҳосилини кўзлаб. 15.40 — Мирмуҳсиннинг «Чотқол йўлбарси» романи асосида радиопостановка премьераси, 2-қисм. 18.15 — Музикали танаффус. 19.25 — Эстрада концерти. 20.15 — — СССР халқ артисти Ҳ. Носирова ва Ўзбекистон ССР халқ артисти С. Ярашев куйлайди. 21.00 — Шукруллонинг «Оташ ва гул» поэмаси асосида радиокомпозиция. 21.40 — Дўстлик қўшиқлари. 22.30 — Лирика кечаси. 23.15 — Дам олиш концерти.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги коллегияси «Узсельхозхимия» Қорақалпоғистон республика ишлаб чиқариш-илмий бирлашмаси раиси

Султон Тўрамуродович ТУРАМУРОДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндошларига ҳамдардлик билдиради.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши— 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; ёълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚКАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона —4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-65; Жиззах — 31-66, Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.